

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРГУНОВА НАСИБА ТУЙЧИЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ  
ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР ОМИЛИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**23.00.02–Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по политическим наукам  
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of the Philosophy  
(PhD) on science in political**

**Тургунова Насиба Туйчиевна**

Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлашда ёшлар омилига комплекс ёндашув технологияларини такомиллаштириш.....5

**Тургунова Насиба Туйчиевна**

Совершенствование технологий комплексного подхода к молодёжному фактору в обеспечении устойчивого развития Узбекистана.....28

**Turgunova Nasiba Tuychievna**

Improvement of technologies for an integrated approach to the youth factor in ensuring sustainable development of Uzbekistan.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....58

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРГУНОВА НАСИБА ТУЙЧИЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИНИ  
ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР ОМИЛИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

23.00.02–Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Ss231 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Пахрутдинов Шукритдин Ильясович</b> сиёсий фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тўйчиев Бердикул Тўрақулович</b> фалсафа фанлар доктори, профессор <b>Равшанов Фазлиддин Равшанович</b> сиёсий фанлар доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси. 5-қават, 511-хона. Тел.: (0371) 246-02-24; e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Мунинов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси муовини,  
сиёс.ф.д., профессор.

**К.М.Мирзааҳмедов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
ф.д.(PhD).

**Б.Т.Тўйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, ф.ф.д.,  
профессор.

## КИРИШ (PhD диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таҳлиliga кўра, барқарор тараққиётни таъминлаш, яъни муайян ҳудуднинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш тобора муҳим стратегик вазифалардан бирига айланмоқда. Зеро, унинг таъминланганлик даражаси мамлакатнинг яқин, ўрта ва узоқ истиқболи учун асос бўлади. “Барқарор тараққиёт концепцияси”нинг туб мазмун-моҳиятини “авлодлар ўртасида мувозанатни таъминлаш ва тақсимлаш жараёнлари” ташкил қилади. Бундай мувозанат мавжуд ресурсларни бугунги ва келажак авлод ўртасида оқилона тақсимлашга асосланади. Бу жараён, ўз навбатида, ҳар қандай жамиятнинг динамик ўзгаришига таъсир этувчи фаол ижтимоий қатлам – ёшларнинг салоҳияти, имкониятлари ва манфаатларининг давлат сиёсатида ўз аксини топиши билан изоҳланади. Шу маънода, барқарор тараққиётни таъминлаш вазифаси умумбашарий аҳамиятга эга, дейиш мумкин.

Ривожланган хорижий давлатларда, жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан барқарор тараққиётга эришиш жараёнларида ёшлар эҳтиёжларини ҳисобга олинишини назарда тутувчи ва уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллиги билан узвий боғланган экологик, маънавий хавфсизлик, моддий таъминланганлик, социологик кўмак ва ҳимоя чораларини жорий этиш орқали институционал бирлашган турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни стратегик ресурс сифатида баҳолаш орқали уларда инновацион тафаккур ҳамда тезкор қарор қабул қила оладиган замонавий, таҳдидбардош, салоҳиятли кадрлар сифатида шакллантириш муҳим босқичга кўтарилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бирига айланиши натижасида уларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ҳамда фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муҳим самараларидан бўлмоқда. “Ҳозирги замонда интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда. Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшлари – мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг кўламли ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда<sup>1</sup>, дея айтилган эътироф орқали ҳам англашимиз мумкин. Бу эса барқарор тараққиётни таъминлашда ёшлар омилига комплекс ёндашув технологияларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига табриги // URL: // <http://www.president.uz/uz/lists/view/3766>

тўғрисида», 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йиллардаги Олий Мажлисга Мурожаатномалари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий, концептуал ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда янгича ёндашувни татбиқ қилишга оид стратегик ғоя ва йўналишлар мазкур тадқиқотнинг илмий-методологик асосини ташкил қилади.

Мазкур диссертация доирасида турли йилларда ўрганилган илмий ишлар таҳлили хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан барқарор тараққиёт, унинг концептуал аҳамияти, унда ёшлар омили, халқаро тажриба ва миллий амалиёт масалалари билан боғлиқ қатор изланишлар олиб борилганлигини кўрсатди.

Марказий Осиё ҳудудида яшаб, ижод этган ҳамда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожига ўз ҳиссасини қўшган қомусий мутафаккирлар – Абу Наср Форобий, Кайковус, Низомулмулк, Алишер Навоий, М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Чўлпон асарларида ёш авлод вакилларининг комилликка эришиши, ёшлар онгида маънавий-маърифий қадриятлар, таълим-тарбия, инсонпарварлик, адолатлилик ғояларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари ёритилган<sup>2</sup>.

Янги Ўзбекистон олимлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати, жумладан ёшларда сиёсий онг ва маданиятнинг шаклланиши жараёнлари, шунингдек салоҳиятли раҳбар кадрларни тайёрлаш, уларнинг фалсафий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашда

<sup>2</sup> Ушбу олимлар илмий ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

ёшлар омили масалаларининг айрим жиҳатлари — Н.Жўраев, С.Отамуродов, Ш.Пахрутдинов, Х.Одилқориев, Ш.Ғойибназаров, С.Жўраев, Қ.Қуранбоев, Р.Жумаев, И.Эргашев, А.Эркаев, М.Бекмуродов, Г.Туленова, М.Юлдашев, З.Қодирова, Ш.Эрматов, А.Холбеков, Ж.Мавлонов, Л.Тангриев, Э.Кадилов, О.Раҳматов, А.Холмахматовларнинг илмий-тадқиқот ишларида концептуал тарзда таҳлил қилинган.

Хорижлик олимлар изланишларида ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда барқарор тараққиёт концепциясининг асослари, йўналишлари, хорижий давлатларда ёшлар соҳасида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи турли омиллар, ёшлар билан ишлаш борасида замонавий технологиялар ва ёндашувларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Бу борада Г.Брундтланд, А.Урсул, А.Романович, И.Ильинский, Г.Балыхин, Т.Костина, Н.Мамедов, Н.Моисеев, К.Белоусов, А.Пасенов, Х.Гизатуллин, В.Троицкий, О.Гришкевич, Д.Калюжная, А.Шакиров, К.Боришполец, В.Павловский, Л.Власенко, Т.Парсонс, Е.Маликова, К.Мангейм, Г.Келдиярова, А.Соколов, А.Зеленин, К.Канунников, С.Чирун, С.Nissen, G.Pudar, L.Suurraa, H.Williamson, M.Zentnerларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, мазкур диссертация доирасида бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар методологиясидан ҳамда мавзуга оид миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

Мамлакатимизда тараққиёт хавфсизлиги, барқарор тараққиёт ва унда ёшлар омили масаласининг умумий жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги нуқтаи назаридан комплекс тадқиқ этилмаган. Шу билан бирга, барқарор тараққиётни таъминлашда ёшлар омили ва унинг аҳамиятини юксалтириш билан боғлиқ жараёнларнинг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари, оқибатлари ва истиқболлари алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот ишида “тараққиёт хавфсизлиги”, “барқарор тараққиёт” тушунчаларининг тарихий-тадрижий эволюцияси, барқарор тараққиётни таъминлашда ёшларнинг жамиятдаги ўрнига оид концептуал ёндашувлар ҳамда изчил ва самарали тарзда амалга оширишда комплекс ёндашувнинг зарурати ва аҳамияти, глобал дунёда ёшларга оид давлат сиёсати ва унга таъсир қилувчи турли омиллар, сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати билан боғлиқ ўзгаришлар, ушбу йўналишдаги илғор халқаро тажриба ҳамда уни мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичига мос тарзда қўллаш имкониятлари тадқиқ қилинган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқотлар ишлари режасининг ПЗ 20170928710-сон “Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбекистонда ёшлар сиёсати самарадорлигини оширишни илмий-концептуал жиҳатдан асослаш, ушбу жараёни комплекс ёндашув технологияларини қўллаш орқали такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“тараққиёт хавфсизлиги” ва “барқарор тараққиёт” тушунчалари шаклланиши эволюцияси ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини асослаш;

жамиятда барқарор тараққиётни таъминлашда ёшларнинг ўрни ва ролига оид концептуал ёндашувларни таҳлил қилиш;

ёшлар сиёсатини изчил ва самарали амалга оширишда комплекс ёндашувнинг аҳамиятини очиб бериш;

замонавий дунёда ёшларга оид давлат сиёсати ва унга таъсир қилувчи турли омилларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати доирасида амалга оширилган ишлар динамикасини таснифлаш ва тавсифлаш;

ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш (ички ишлар органлари тизими мисолида);

ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг асосий йўналишларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда амалга оширилаётган ёшлар билан боғлиқ ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан асосий йўналишларни аниқлаш ва стратегик истиқболларини белгилашга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** жамиятда барқарор тараққиётни таъминлашда ёшларнинг ролини ошириш ҳамда сиёсатшунослик фанлари тизимида мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар, ғоя ва сиёсий технологиялар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда барқарор тараққиётни таъминлашда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу жараёнда ёшлар омилига комплекс ёндашув технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тизимлилик, қиёсий (компаративистик), тузилмавий ва функционал, контент-таҳлил, рационал танқидий, статистик ва эмпирик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёшлар тарбиясининг самарадорлиги ушбу жараёнда иштирок этаётган субъектлар ягона стратегиясига таянган “мақсад-ресурс-натига” ўзига хос интеграцияси асосида яқин, ўрта, узоқ истиқболга мўлжалланган дастурларга комплекс ёндашган ҳолдаги масъулиятли фаолиятларига боғлиқлиги очиб берилган;

жамият барқарор тараққиётини, аҳоли осойишталигини ва фаровонлигини таъминлаш муайян ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий



ривожланишининг ижобий динамикаси билан бир қаторда, ёшлар тарбияси самарадорлигининг мутаносиблиги маҳсули эканлиги илмий асосланган;

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ва давлат бошқаруви органларининг ҳамкорлиги қуйидан-юқорига, институционаллашган, тизимли ижтимоий шериклик механизми асосида комплекс ташкил этиш зарурлиги такомиллаштирилган;

ёшлар ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқий профилактик чора-тадбирларнинг ташкилий-амалий, илмий-услугий ва доимий мониторинг тизимини жорий этиш илмий асослантирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашда ёшлар сиёсатига доир ислохотлар самарадорлигини янада ошириш борасида ишлаб чиқилган асосий йўналишлар ва уларни тадбиқига доир чора-тадбирларни назарда тутувчи амалий таклифлар берилган;

тадқиқот натижалари сифатида шакллантирилган хулосалар, тавсиялар, шунингдек, комплекс ёндашув ва ёшлар ижтимоий қиёфасини аниқлаш юзасидан ишлаб чиқилган индикаторлар бўйича таклифлар ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда замонавий услубларни кенг жорий этишнинг механизмлари очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган адабиётлар ва қонун ҳужжатлари расмий манбалардан олингани, республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровлар, расмий статистик маълумотлар, сиёсий фанларда мавжуд илмий-назарий қарашлар, ёндашувлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур ишнинг илмий аҳамияти ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг назарий асосларини ривожлантириш жараёнида фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар “Давлат сиёсати ва бошқаруви” фани ҳамда ёшлар сиёсатини ривожлантириш билан боғлиқ концептуал ҳужжатларни илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган фикр-мулоҳазалар ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишдаги ижтимоий-сиёсий ислохотларни такомиллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор тараққиётига муайян даражада ҳисса қўшишида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда барқарор тараққиётни таъминлашда ёшлар омилига комплекс ёндашув технологияларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

Ёшлар тарбиясининг самарадорлиги ушбу жараёнда иштирок этаётган субъектлар ягона стратегиясига таянган “мақсад-ресурс-натижа” ўзига хос интеграцияси асосида яқин, ўрта, узоқ истикболга мўлжалланган дастурларга комплекс ёндашган ҳолдаги масъулиятли фаолиятларига боғлиқлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 сентябрдаги 550-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 3 декабрдаги 12/10-5110-сон маълумотномаси). Мазкур хулосалар ёшлар билан ишлаш тизимини соддалаштириш, мавжуд ёки эҳтимолий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида ёшлар иштирокини янада оширишга асос бўлиб хизмат қилган;

Жамиятнинг барқарор тараққиётини, аҳоли осойишталигини ва фаровонлигини таъминлаш муайян ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг ижобий динамикаси билан бир қаторда, ёшлар тарбияси самарадорлигининг мутаносиблиги маҳсули эканлиги юзасидан билдирилган таклифлардан “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жойларда олиб борилган ишлар мониторинги” мавзусидаги тадқиқотларни ўтказишда фойдаланилган (“Фуқаролик жамиятини ривожлантириш” марказининг 2020 йил 26 июндаги 01/173-сон маълумотномаси). Натижада мамалакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли мониторинг қилиш ҳамда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар динамикасини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари ва давлат бошқаруви органларининг ҳамкорлиги қуйидан-юқорига, институционаллашган, тизимли ижтимоий шериклик механизми асосида комплекс ташкил этиш зарурлиги такомиллаштирилган юзасидан амалий таклиф ва хулосаларидан Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йилга мўлжалланган иш режасини “Демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшлар фаоллигини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш” деб номланган II-банди устувор йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 15 январдаги 2-11-23-108-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва хулосалар фуқаролик жамияти институтларининг давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни таснифлашга хизмат қилган;

ёшлар ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқий профилактик чора-тадбирларнинг ташкилий-амалий, илмий-услубий ва доимий мониторинг тизимини жорий этиш борасидаги илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқитиладиган “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанидан ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 2 февралдаги 2/400-сон маълумотномаси). Мазкур назарий хулосалар ўқув қўлланманинг назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та ва хорижий журналларда 1 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 161 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Барқарор тараққиёт ва унда ёшлар омилининг назарий-методологик асослари” деб номланиб, унда “барқарор тараққиёт”ни таъминлашда ёшларнинг ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ концептуал ёндашувлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Жумладан, “тараққиёт хавфсизлиги” ва “барқарор тараққиёт” тушунчаларининг ижтимоий-сиёсий моҳияти, уларнинг сиёсий фанлар тизимидаги шаклланиш босқичлари, муайян ҳудудда барқарор тараққиётни таъминлашда ёшлар имконият ва салоҳиятидан оқилона фойдаланиш масалалари ўрганилган. Шунингдек, турли даврларда яшаган мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг соҳага оид тадқиқотлари сиёсий компаративистик ёндашув асосида ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг “тараққиёт хавфсизлиги” ва “барқарор тараққиёт” тушунчаларининг эволюцияси ва ижтимоий-сиёсий моҳияти”га бағишланган биринчи параграфда ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши бевосита бошқарувнинг оқилона ташкил қилингани, сиёсий институтлар ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти самарадорлиги билан узвий боғлиқ экани таҳлил қилинган. Шунингдек, “барқарор” ва “тараққиёт” тушунчаларининг ўзаро илмий жиҳатдан боғлиқлиги, шаклланиш босқичлари таҳлили орқали унинг амалий жиҳатлари яхлит тушунча сифатида очиб берилган.

Диссертант “барқарор тараққиёт” тушунчасининг концептуал таҳлили асосида “ўсиш” ва “тараққиёт” тушунчаларининг фаркли жиҳатларини очиб берган. Бунинг асосида ўсиш асосан миқдор кўрсаткичларини акс эттиради ва аксарият ҳолларда иқтисодий категория сифатида қўлланади, тараққиёт эса сифат кўрсаткичларини, ижобий тузилмавий ўзгаришларни англатади ҳамда яхлит ҳудудга тегишли бўлади, деган илмий хулосага келган. Демак, параграфда барқарор тараққиёт концепциясининг яратилиши жараёнлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни хронологик тартибда ўрганилган<sup>3</sup>. Бу борада турли мутахассислар (К.Белоусов, Г.Краснощеков,

---

<sup>3</sup>“Барқарор тараққиёт” атамаси биринчи марта 1972 йили атроф-муҳит бўйича биринчи Бутунжаҳон конференциясида (Стокгольм, Швеция) қўлланган. 1987 йилда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит ва ривожланиш конференциясида (Рио-де-Жанейро, Бразилия) мазкур атама (ингл. “sustainable development”) инсониятни сақлаб қолувчи янги концепция сифатида эътироф этилган.

Г.Розенберг, А.Пасенов, Х.Гизатуллин, В.Троицкий) томонидан белгиланган эволюцион даврлар таҳлил қилинган.

Танқидий ва қиёсий ўрганишлар асосида муаллиф барқарор тараққиётни таъминлашнинг асосий устунлари сифатида ижтимоий адолат (1), изчил иқтисодий (2) ва экологик ўсиш (3) омилларини ажратган.

Дарвоқе, муаллиф барқарор тараққиёт концепциясига турлича ёндашувларни рационал танқидий таҳлил қилган ҳолда ўз позициясини билдирган. Барқарор тараққиётни таъминлашга тўсқинлик қилувчи бир нечта омил мавжуд: а) мавжуд ресурсларнинг нооқилона тақсимоти; б) мамлакат аҳолиси орасида камбағалликнинг ошиши; в) турли ижтимоий қатламлар даромадлари ўртасидаги асоссиз равишдаги катта тафовутнинг юзага келиши; г) ишсизлик кўрсаткичларининг айниқса ёшлар ўртасида юқорилиги, натижада миграцион кайфият даражасининг ортиб бориш тенденцияси; д) коррупция ва унга қарши кураш ҳолати; е) мамлакатнинг халқаро сиёсий, иқтисодий жараёнлардаги иштироки даражаси ва ҳ.к.лар.

Жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда бошқарув тизимининг самарали ижтимоий сиёсати муҳим омиллардан ҳисобланади. Зеро, бу аҳолининг турли қатламлари ўз имконияти ва салоҳиятидан тўла фойдаланиши ҳамда муносиб турмуш тарзи учун тегишли шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Ушбу тезисга таяниб, муаллиф муайян ҳудудда барқарор тараққиётни таъминлашда сиёсий тизим самарадорлиги (сиёсий етакчи иродаси, танланган стратегик йўл, сиёсий тартибот, қарор қабул қилиш самарадорлиги ва б.) муҳим ўрин тутди, деган фикрни илғари сурган.

Параграфда барқарорлик тушунчасига муаллифлик таърифи берилган. Бунга кўра, барқарорлик — бу турли ички ва ташқи ўзгаришларга қарши тура оладиган, уларга қисқа муддатларда мослаша оладиган яхлит тизимдир. Шунингдек, муаллиф фикрича, барқарор тараққиёт шахс, жамият ва давлат ҳаётини самарали ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг ўзаро мувозанатлашган замонавий моделидир. Айни вақтда, барқарор тараққиёт доимий, узлуксиз давом этадиган жараён эканлиги қайд этилган.

Ушбу бобнинг “Жамиятда барқарор тараққиётни таъминлашда ёшларнинг ўрни ва ролига оид концептуал ёндашувлар”га бағишланган иккинчи параграфида илмий-назарий ёндашувлар ва уларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Ушбу параграфнинг концептуал асосини қуйидаги масалалар: биринчидан, ҳар қандай тараққиётнинг асоси ёшларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ; иккинчидан, жамиятда ёшларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қулай муҳитни тақозо этади; учинчидан, давлат ривожини ва фуқаролик жамияти шаклланишида ёшларнинг стратегик ресурс экани; тўртинчидан, ёшларга оид давлат сиёсатининг алоҳида йўналиш сифатида эътироф этилиши ташкил қилади.

Муаллиф фикрича, бунга дунёда инсон капиталини ривожлантириш, айнан инсон ҳар қандай тараққиётнинг асоси эканлиги билан боғлиқ қарашлар, ёндашувларнинг кўпайиши сабаб бўлган. Шунингдек, дунё аҳолисининг умумий сонини ёшлар улушининг динамик ўсиши ҳам бу жараёнга таъсир

қилган. Бугунги кунда дунё аҳолисининг 16 фоизини ёки 1,2 миллиардини ёшлар (БМТ методологияси бўйича бу тоифага 15–24 ёшдагилар киритилади<sup>4</sup>) ташкил қилади. Бу деярли дунёда ҳар 6 кишидан бири ушбу тоифага киришини, шу нуқтаи назардан, ёшлар масаласининг устувор эканлигини кўрсатади.

Параграфда ёшларнинг биринчи навбатда ижтимоий-демографик гуруҳ эканига урғу берилган. Муаллиф фикрича, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги уларнинг жамиятда ижтимоийлашуви, шу жумладан сиёсий соҳадаги ўрнини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Айрим мутахассислар фикрича, ёшлар – энг фаол ижтимоий гуруҳ бўлиб, бу гуруҳ давлат ва жамиятнинг келгусидаги тараққиётини белгилаб беради (О.Гришин, Т.Атаев). Бошқа мутахассислар ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бугунги шароитда ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари ўзгариб бораётганлигини эътироф этиб, уни тезкорлиги, инновацион фикрлаши билан ажралиб турувчи ижтимоий гуруҳдир, деб аташган (А.Моисеев, А.Шумилов).

Муаллиф жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда институционал ёндашув тақозо этишини асослаган. Бу борада ихтисослашган ёшлар ташкилотлари ва ёшлар иштирок этадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа бўлиши керак, деган фикр илгари сурилган. Айни вақтда, бундай ташкилотлар фаолияти давлат-хусусий шерикчилик ёки жамоатчилик асосида бўлиши мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

Шунингдек, мазкур бобнинг “Ёшлар сиёсатини изчил ва самарали амалга оширишда комплекс ёндашувнинг аҳамияти”га бағишланган учинчи параграфида ёшларга оид давлат сиёсатига турлича таърифлар, шу нуқтаи назардан, БМТнинг расмий ҳужжатларида, хорижий ва ўзбекистонлик мутахассислар томонидан таърифланган ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти, концептуал жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Хусусан, мазкур параграфда айрим мутахассисларнинг ёшлар сиёсатига “ёшлар ва уларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқ ғоя ва қарашлар тизими”, “ёшларнинг ижтимоий институтлар билан ўзаро ҳаракатининг мураккаб, илғор ва кўп тармоқли тизими” деб берган таърифлари ўрганилган. Айниқса, давлат сиёсатининг расмий фаолият турларидан бири бўлган “ёшлар сиёсати” тушунчасига берилган таъриф ҳамда ёндашувлар таҳлили унинг комплекс тавсифга эгаллиги борасидаги олимларнинг турли қарашлари илмий тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан “ёшлар” тушунчасининг моҳиятини очиб бериш, мазкур ижтимоий гуруҳнинг турларини (шаҳар ва қишлоқда яшовчи, ишчилар, талабалар ва ҳ.к) аниқлаш, ёшлар яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муҳитнинг ҳолатини ҳисобга олишни талаб этиши, мазкур вазифаларни амалга ошириш учун, ёшларга учта ўзаро боғлиқ даражада ёндашиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланган. Биринчидан ижтимоий феномен сифатида

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ мамлакатимизда ёшлар гуруҳига 14–30 ёшли фуқаролар киритилади / [lex.uz/docs/3026246](http://lex.uz/docs/3026246).

умумметодологик даражада ёндашиш; иккинчидан, махсус-назарий даражада ёндашиш, яъни уларни алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ деб ҳисоблаш, хулқи, яшаш тарзининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, бойиш мўлжалларини ўрганиш; учинчидан, эмпирик, яъни социологик тадқиқотларнинг далиллари ва кўрсаткичларига асосланган ҳолда ёндашиш лозимлиги асослаб берилган.

Ёшлар сиёсатини изчил ва самарали амалга оширишда комплекс ёндашувнинг индикаторларини санаб ўтиш билан бирга ёшлар билан ишлашда унинг бир нечта асосий йўналишларини (технологиялари) кўрсатиш мумкин. Жумладан, 1) ёшларнинг ўз салоҳиятини амалга ошириши учун имкониятлар яратиш; 2) ёшларни ижодий фаолиятга жалб қилиш; 3) ёшларнинг, шу жумладан давлат кўмагига муҳтож ижтимоийлашуви билан боғлиқ технологиялар; 4) ёшлар орасида сиёсий ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш билан боғлиқ технологиялар; 5) ёшлар орасида оила институти ролини мустаҳкамлаш технологияси; 6) ёшлар ўртасида спорт ва атроф-муҳитга ижобий муносабатни мустаҳкамлаш технологияси; 7) ёшлар орасида ҳуқуқбузарликни камайтириш ва олдини олиш технологияси эътиборга олинган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг замонавий тенденциялари ва Ўзбекистон амалиёти” деб номланиб, унда замонавий дунёда ёшларга оид давлат сиёсатини жорий қилиш билан боғлиқ тенденциялар ва унга таъсир қилувчи турли омиллар таҳлили, шунингдек, бу борада қўлланган технологиялар, методологик ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ривожланган хорижий давлатларда ушбу йўналишда амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи турли омиллар (экстремизм, терроризм, диний мутаассиблик, одам савдоси ва ҳ.к) ҳамда Ўзбекистон амалиётининг асосий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий тенденцияларини тадқиқ қилишда йирик халқаро ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ёндашуви, улар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва амалга оширилган ишлар мазмун-моҳияти очиб берилган.

Ушбу бобнинг “Замонавий дунёда ёшларга оид давлат сиёсати ва унга таъсир қилувчи турли омиллар таҳлили” номли биринчи параграфда халқаро ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти билан бир қаторда хорижий давлатлар тажрибасининг асосий жиҳатлари очиб берилган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг “Ёшлар ўртасида тинчлик ғоялари, миллатлараро ўзаро ҳурмат ва тушунишни тарғиб этиш тўғрисидаги Декларация”си, ЮНЕСКО ташаббуси билан 1985 йилдан бошлаб ёшлар масалалари бутунжаҳон конгресси фаолияти, ёшлар сиёсатиغا доир Лиссабон декларациясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Хорижий тажриба, унинг шаклланиш босқичлари, қўлланган технологиялар ва уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликлари очиб берилган. Бу борада Нидерландия, Люксембург, Бельгия, Франция, Норвегия, Швеция

ва МДХга аъзо айрим давлатлар (Молдова, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Россия Федерацияси) ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг тажрибаси ўрганилган. Бунинг асосида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган аниқ манзилли стратегик дастурларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинган.

Муаллиф хорижий давлатларда “ёшлар сиёсати” тушунчасига турлича ёндашув мавжудлигини таъкидлаб, уларни ўзаро қиёслаган. Хусусан, Нидерландияда ёшлар сиёсати деганда ёшларнинг ижтимоийлашуви, Люксембургда ёшлар сиёсати асосан ўтиш давридаги ёшларга йўналтирилиши ва ёшларни ижтимоий-иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилиши, Бельгия ва Францияда ижтимоий ҳимояга (масалан, бандлик, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлаш масалалари) кўпроқ урғу берилиши каби ҳолатлар қиёсий таҳлил қилинган.

Ушбу таҳлиллар асосида дунёда ёшларга оид давлат сиёсатининг турли моделлари амал қилиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Хусусан, бугун дунёда ёшлар билан ишлашнинг консерватив (1), давлат ва жамият, давлат ва бизнеснинг ижтимоий ҳамкорлигига асосланган (2), ижтимоий (3) ва аралаш (4) моделлари амал қилиши кўрсатилган.

Илғор хорижий тажриба асосида муаллиф ёшлар сиёсатини амалга оширишда бевосита ёшларнинг ўзи иштирок этиши лозим, деган фикрни илгари сурган. Бунда халқаро амалиётда кенг қўлланадиган peer-to-peer education (ёшларнинг бир-бирларини қўллаб қувватлаши, ёрдам бериши) услуги самарали механизм сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, диссертацияда ёшлар билан боғлиқ айрим салбий омиллар таснифланган ҳолда таҳлил қилинган. Жумладан: а) ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий муҳитнинг бузилиши; б) шахсий манфаатнинг жамият манфаатидан устун кўрилиши; в) фуқаролик позициясининг мустаҳкам эмаслиги; г) ёш оилалардаги турли маиший муаммолар; д) ёшлар орасида турли ҳуқуқбузарлик кўрсаткичларининг ўсиши; е) ишсизлик (бунга аксарият ҳолларда ёшларнинг осон йўл билан бойиш ва “бирданига ва ҳамма нарсага эга бўлиш”га интилиши ҳам сабаб бўлмоқда); ж) илм-фан билан шуғулланишга иштиёқнинг етарли даражада эмаслиги ва бошқалар.

Ўрганишлар асосида замонавий дунёда ёшлар сиёсатига таъсир қилувчи бир нечта омиллар мавжуд бўлиб, улар кўпинча давлат, жамият ва ёшларнинг ўзаро муносабатларининг ҳосиласи сифатида юзага чиқади, деган хулосага келинган.

Ушбу бобнинг “Ўзбекистонда ёшлар сиёсати доирасида амалга оширилган ишлар динамикаси”га бағишланган иккинчи параграфда тадқиқотчи томонидан мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинган.

Параграфда юртимизнинг мутафаккир олимлари (Н.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Х.Одилқориев, Ш.Ғойибназаров, С.Жўраев, Р.Жумаев,



И.Эргашев, А.Эркаев, М.Бекмуродов, К.Норматов, Г.Туленова, М.Юлдашев, А.Холбеков, Ж.Мавлонов, Л.Тангриев, Э.Кадиров, О.Раҳматов, А.Холмахматовлар) томонидан мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиши жараёнлари, босқичлари, ёшлар масаласининг фалсафий-сиёсий жиҳатлари ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашда ёшлар омили масалаларининг айрим жиҳатлари, жумладан ёшларнинг ижтимоийлашуви ва уларда сиёсий маданиятни шакллантириш йўналишидаги қарашлари ўрганилган. Шунингдек, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг тугатилиши ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил қилиниши билан боғлиқ ижобий тенденциялар таҳлил қилинган. Хусусан, мамлакатимизда 30 июни “Ёшлар куни” сифатида нишонлаш, “Мард ўғлон” давлат мукофоти<sup>5</sup> ва “Келажак бунёдкори” медалининг<sup>6</sup> таъсис этилиши, Ўзбекистон Президенти томонидан 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши, “Ёшлар – келажакимиз” давлат дастурининг амалга оширилиши ҳамда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг ташкил қилиниши ва ҳ.к.

Профессор Г.Туленованинг фикрича, ушбу даврнинг яна бир ўзига хос жиҳатларидан бири — бу мамлакатда “ўтиш даври авлоди” вужудга келганидир<sup>7</sup>. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, муаллиф танқидий ёндашиб, ушбу авлодни “йўқотилган авлод”, деб баҳолаган. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият илм-фан, санъат, маданият ва бошқа кўпгина соҳаларда узилишларни келтириб чиқарган. Бунинг натижасида жойларда ёшлар камолоти ва шахс шаклланишида муҳим ўрин тутувчи инфратузилмалар фаолияти самарадорлиги кескин пасайиб кетган.

Ушбу параграфда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиш тенденциясининг ижтимоий-сиёсий асосларини тизимли ўрганиш мақсадида шартли равишда 3 босқичга бўлиб ўрганилган: биринчи босқич: 1991–1996 йиллар; иккинчи босқич: 1996–2015 йиллар; учинчи босқич; 2016 йилдан бугунги кунгача. Муаллиф ҳар бир босқичнинг ўзига хос тенденциялари ва хусусиятларини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари билан муносабат равишда таҳлил қилган.

Ёшлар билан ишлашнинг турли механизмларини таҳлил қилган ҳолда диссертант ёшлар аҳолининг илғор қатлами сифатида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда марказий ўринни эгаллайди, деган фикрни илгари сурган.

Яъни, ушбу даврда эришилган катор ютуқларга қарамасдан айрим муаммоларнинг сақланиб қолгани эътироф этилган. Жумладан: ёшлар

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // [lex.uz/docs/3418697](http://lex.uz/docs/3418697).

<sup>6</sup> “Келажак бунёдкори” медалини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни // [lex.uz/docs/3479565](http://lex.uz/docs/3479565).

<sup>7</sup> Туленова Г. Молодёжная политика в Республике Узбекистан: состояние и перспективы развития. – Т.: Aloqachi. 2008.- с.8.

бандлигини таъминлаш (1), уларнинг иқтисодий манфаатларини қондириш (2), уй-жой билан таъминлаш (3), олий таълим билан тўлиқ қамраб олиш (4), ташқи миграцияга мойилликнинг ортиб бориши (5) ва б. Бу борада ёшлар ташкилотлари фаолияти аксарият ҳолларда самарасиз турли тадбирлар ташкил қилиш билан чеклангани қайд этилган.

Ўтказилган таҳлиллар ва замонавий тенденциялардан келиб чиққан ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатига муаллифлик таърифи берилган. Бунга кўра, ёшлар сиёсати — бу ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ва ўзлари томонидан амалга ошириладиган аниқ манзилли ҳамда соҳага тизимли инвестиция киритишни назарда тутувчи фаолиятдир.

Ушбу бобнинг “Ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти” (ички ишлар органи тизими мисолида) деб номланган учинчи параграфда Ўзбекистонда ички ишлар органларининг ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилётган долзарб ишлар илмий ўрганиб чиқилган.

Мазкур параграфда сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид 6 қонун, Президентимизнинг 7 фармони ва 40 қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 89 қарори ҳамда 160 дан зиёд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, натижада: а) туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари–ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиғи лавозими; б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизими; в) қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилгани илмий тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан профилактик нуқтаи назардан оиладаги шахс маънавий жиҳатдан шаклланишига салбий таъсир қилувчи омилларни икки гуруҳга яъни, биринчи гуруҳга – объектив омиллар, яъни ота-онанинг узоқ давомли касаллиги, тўлиқсиз оила (ота ёки онанинг йўқлиги, шунингдек узоқ муддат оилада бўлмаслиги), иккинчи гуруҳга – моддий қийинчиликлар, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига етарли даражада эътибор бермаслиги, турар-жой ва маиший шароитларининг ёмонлиги ажратиб кўрсатилган.

Шунингдек, жамиятда жиноятчилик хулқининг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги, таъсирчанлиги, энг аввало, ўсмирлар шахсида ижобий фазилатларнинг, ижтимоий фойдали эҳтиёж ва қизиқишларнинг шаклланишига боғлиқлиги, шу маънода, ўқув-тарбиявий машғулотлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг дастлабки профилактикасида муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, ушбу йўналишдаги чора-тадбирларнинг 2 та асосий гуруҳга бўлиниши кўрсатилган: 1) ташкилий чора-тадбирлар; 2) маънавий-маърифий чора-тадбирлар каби.

Таҳлиллар асосида 2017-2019 йилларда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар сонининг камаётгани 31 ва ундан катта ёшдагилар

томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар улуши охириги 3 йилда 50 фоиздан юқориликча қолаётгани кўрсатилган. Бунинг асосида муаллиф ўтказилаётган профилактик чора-тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада ошириш заруратини асослаб берган.

Диссертациянинг учинчи боби “Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлашда ёшлар сиёсатининг истиқболлари” деб номланиб, унда 2016–2020 йилларда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, жумладан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотлар динамикаси очиқ берилган. Асосий эътибор ушбу ўзгариш ва ислоҳотларнинг ёшлар сиёсатида акс этишининг илмий ва амалий жиҳатларига қаратилган. Хусусан, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” доирасида ёшлар билан боғлиқ қабул қилинган бир қатор вазифаларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган.

Мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларида юз бераётган турли ўзгаришларда ёшларнинг ўрни, уларнинг иштироки масаласи мазкур бобнинг асосий концептларидан бирини ташкил этган. Шу билан бирга, мамлакатда янги шаклда ташкил қилинган Ёшлар иттифоқининг ўтган вақт мобайнидаги фаолияти, вазифа ва ваколатлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг “Ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг асосий йўналишлари” номли биринчи параграфидан янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг асосини фуқаролик жамияти институтларига таянган ҳолда илғор кучга айлантириш ҳамда ёшларнинг иштирокини таъминлаш тизимли таҳлил қилинган.

Муаллиф фикрича, кўрилаётган даврда ёшлар билан ишлаш йўналишида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг кўлами ва амалга оширилган ишлар Ўзбекистонда ёшлар билан ишлашнинг янги даврини бошлаб берган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар сиёсатига дахлдор 40 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг 3 та Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 та Фармони, 8 та Қарори, 2 та Фармойиши; Вазирлар Маҳкамасининг 19 та Қарори ва 4 та Фармойиши имзоланди<sup>8</sup>.

